

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛТЕТИ  
МИЗЕЙШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**НАМОЗОВА ДИЛДОРА ЗАВҚИДДИН ҚИЗИ**

**ТЕРМИЗ ВА АТ-ТЕРМИЗИЙЛАР МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИ**

5150200 – Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини саклаш) ихтисослиги бўйича  
“бакалавр” даражасини олиш учун тақдим этилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Д.Б.Мирхусанова**

**Тошкент – 2019**

Музейшунослик кафедрасининг 2019 йил “\_\_\_” даги №\_\_\_-сонли мажлисида муҳокама этилган ва факултет Кенгashiда кўриб чиқиш учун тавсия этилган.

**Кафедра мудири** \_\_\_\_\_ **К.С.Нишанова**

Санъатшунослик факултетининг 2019 йил “\_\_\_” даги №\_\_\_-сонли факултет Кенгashiда муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Факултет декани** \_\_\_\_\_ **Б.Ю.Сангиров**  
М.Ў.

**Тақризчи:** \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ҳимоя 2019 йил “\_\_\_” Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилди.

**Манзил:** Тошкент шаҳри Миробод тумани Мироншоҳ кўчаси 123 уй

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4-8</b>
<b>1 БОБ. ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ.</b>	
1.1.Термиз шаҳри тарихи ва мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари.....	9-19
1.2. Буюк Термизийларнинг ҳаёти ва фаолияти.....	20-30
<b>2 БОБ. ТЕРМИЗ ВА АТ-ТЕРМИЗИЙЛАР МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИ.</b>	
2.1.    Термиз    ва    ат-Термизийлар    музейининг    ташкил    этилиш тарихи.....	31-39
2.2.Термиз ва ат-Термизийлар музейи экспозициясини такомиллаштириш масалалари.....	40-45
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>46-48</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>49-50</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>51-56</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Музейлар тарих ва келажакни боғловчи кўприқдир. Мустақиллик йилларида музейларнинг халқимиз маънавий ҳаётида катта аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда соҳани ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишлар бажарилмоқди. 2008 йил 12 сентабрда “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2-боб 4-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарорига мувофиқ “Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги низоми<sup>1</sup> ва бошқа қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони<sup>2</sup> билан тасдиқланган “2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарорни<sup>3</sup> ижросини таъминлаш юзасидан “Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”нинг ишлаб чиқилганлиги музейлар фаолиятини янги босқичга кўтарди. Ушбу дастурнинг учинчи бандига мувофиқ Ўзбекистоннинг бой маданий мероси ва тарихини маҳаллий ва халқаро миқёда кенг тарғиб этиш, сақлаш, илмий тадқиқ этиш, туризмни янада ривожлантириш ва маблағларни самарали бошқариш мақсадида

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарорига мувофиқ “Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги низоми – [https://lex.uz/docs/\\_3542540](https://lex.uz/docs/_3542540)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармон//Ишонч, № 15.– 08.02.2017.– Б 1-2.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарорни - <https://kun.uz/uz/15717313>

Қашқадарё, Навоий, Фарғона ҳамда Сурхондарё вилоятларида музей-қўриқхоналар ташкил этилди<sup>4</sup>.

Термиз шаҳри ўзининг 2500 йиллик кўхна тарихи ва маданиятига эга Марказий Осиёнинг энг қадимги цивилизация марказларидан бири саналади. Термизда ўрта асрларда улуғ муҳаддис олимлар етишиб чиққан. Битирув малакавий ишида Термиз тарихи ва Термиздан етишиб чиққан алломаларнинг илмий мероси мужассамлашган музей фаолияти ўрганилмоқда. Ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейларнинг роли катта. Термиз ва термизийлар мероси музейи айнан ушбу мақсадни амалга оширишда маънавий-маърифий маскан бўлиб хизмат қиласи. Музей фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштириш борасидаги масалалар битирув малакавий иши учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий иши учун танланган мавзунинг мақсади Термиз ва ат-Термизийлар музейи фаолиятини ўрганиш ва музей экспозициясини таҳлил қилишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Термиз шаҳри тарихи ва мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ёритиш;
- Буюк термизийларнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш.
- Термиз ва ат-Термизийлар музейининг ташкил этилиш тарихи ва фаолиятини ўрганиш;
- Термиз ва ат-Термизийлар музейининг экспозицияси таҳлил этиш;
- музейнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимиизда тутган ўрни, бугунги кунда сайёҳликни ривожлантиришдаги аҳамиятини ёритиб бериш.

**Мавзунинг ўрганилгангик даражасининг қиёсий таҳлили.** Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича соҳа ва мавзу доирасидан келиб чиқилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунлар, Президент қарор ва фанмонлари,

---

<sup>4</sup>Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш тўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида <https://gov.uz/uz/pages/show/66876?mode=special>

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари<sup>6</sup>, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”<sup>7</sup>, Термиз шахри тарихи ва Сурхон воҳасидан етишиб чиқган улуғ зотлар меросига бағишлиланган китоблардан ўрганилди. Мамлакатимиз ўз истиқолини қўлга икиритгандан сўнг тарихий маданий меросни асрраб-авайлаш, музейлар фаолтиягини яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Музейшунослик соҳасини ривожлантириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ўқув дарсликлари, монографиялар нашр этилмоқда. Бу борада И.Илалов “Музеведение”<sup>8</sup> дарслиги, Д.Т.Курязованинг касб-хунар коллежлари талабалри учун мулжалланган “Музей иши тарихи ва назарияси”<sup>9</sup> ва олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган “Ўзбекистонда музей иши тарихи”<sup>10</sup> ўқув дарсликлирида дунёдаги машҳур музейларнинг ташкил этилиши, фаолияти, юртимиздаги музейлари фаолияти, музейшуносликнинг назарий асослари, музейда иш юритиш услублари, кўргазма ва экспозиция тузиш, соҳанинг долзарб масалаларини ўрганилган. Ж.Ҳ.Исмоилова, К.С.Нишанова, М.С.Мухаммедова “Музей ва жамият”<sup>11</sup> ўқув дарслигига музейларнинг жамият ҳаётида тутган ўрини ва аҳамияти, музей коммуникациясининг назарияси, структураси ва замонавий музейшунослик тараққиётидаги янги анъаналар кенг талқин этилган. К.Нишонованинг “Музей—халқ тарихининг кўзгуси”<sup>12</sup> китоби мамлакатимизда мустақиллик йиллари соҳани ривожлантириш учун қабул қилинган қонун, фармон ва қарорлар меъёрий хужжатлар шарҳига бағишлиланган.

<sup>5</sup>Музейлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 37-38

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилган №618 “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори // [lex.uz/acts/-1659960?ONDATE=06.07.2005%2000](http://lex.uz/acts/-1659960?ONDATE=06.07.2005%2000)

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 ноябрда қабул қилган №237 “Музейлар фаолиятига таалукли меъёрий хужжатлар тўғрисида”ти қарори// [lex.uz/ru/docs/-14056885?ONDATE=15.05.2017](http://lex.uz/ru/docs/-14056885?ONDATE=15.05.2017)

<sup>6</sup> Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz –T.: O`zbekiston. 2017–439 b.

<sup>7</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси.8 жилд – Т.: 2004 – 677 б

<sup>8</sup>Илалов И.Музеведение – Т.: Мусиқа, 2006-475 с

<sup>9</sup> Kuryazova T.D. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. – Т.: O'qituvchi.2007. – 159 b.

<sup>10</sup> Курязова Т.Д.Ўзбекистонда музей иши тарихи – Т.: Санъат.2010. –143 б.

<sup>11</sup>Исмоилова Ж.Ҳ., Нишанова К.С. Мухаммедова М.С. Музей ва жамият –Т.:Чинор.2015–176 б

<sup>12</sup> Нишонова К.Музей — халқ тарихи кўзгуси. –Т.:Ёшлар матбуоти, 2011. –391 б.

Илмий нашрларда соҳага доир мақолалар ҳам ўрганилди. Ш.Бўтаевнинг “Музейлар –ўтмиш ва келажак қўприги”<sup>13</sup>, Ж.Исмоилованинг “Музейлар—мозий мактабидир”<sup>14</sup> мақоласида XXI асрда музейларнинг ижтимоий институт ва жамиятимизнинг энг фаол бўғини сифатида муҳим ўрин тутаётгани, уларнинг ахмамияти ортиб бораётгани, бугунги замон “Электрон музей ёки қўргазмалар” ташкил этиш масаласини олдимизга қўяётгани, яъни соҳада инновацион ёндашиш лозимлигини қайд этилган, Ж.Исмоилованинг “Музей педагогикаси: тажриба ва изланишлар”<sup>15</sup> мақоласида кичик ёшдаги ташрифчилар билан ишлаш, уларни музейларга жалб қилиш ва болалар учун қизиқарли экспозицион муҳит яратиш масалаларига бағишлиланган. “Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар”<sup>16</sup> китобида Термиз шаҳрининг эрамиздан аввалги 6-5 асрларда шаклланишидан токи шаҳарнинг мустақиллик йилларидағи қиёфасигача бўлган тарихи ёритилган. Ўрта асрларда яшаб фаолият юритган мутасаввуф шоир Фаридуддин Атторнинг “Таскират ул-авлиё”<sup>17</sup> асарида юздан ортиқ улуғ мутафаккирлар жумладан, Имом Термизий, Ҳаким Термизийлар ҳақида маълумотлар берилган. Мирзо Кенжабекнинг “Буюк Термизийлар”<sup>18</sup> китобида Сурхон воҳасидан етишиб чиқган юзга яқин улуғ мутафаккирлар муҳаддис, олим, шоир, файласуфлар фалоияти илмий мероси ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ш.Пидаевнинг “Мозийдан садо” журналида нашр этилган “Термиз”<sup>19</sup> номли мақоласида Термиз шаҳринг қадимги ва ўрта асрларга оид тарихи ҳақида ёзилган. А.Зияевнинг “XIX аср

<sup>13</sup> Бўтаев Ш. Музейлар — мозий ва келажак қўприги //Мозийдан садо.2016.№ 2(70) —48 б.

<sup>14</sup> Исмоилова Ж.Ҳ. Музейлар—мозий мактабидир. Мозийдан садо. 2014 4(66) — 48 б.

<sup>15</sup> Исмоилова Ж.Ҳ. Музейлар педагогикаси: тажриба ва изланишлар// Мозийдан садо. 2014 4(66). —48 б.

<sup>16</sup> Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. 2500 йиллик юбилей албом-китоб.—Т.: Шарқ 2001.-101 б.

<sup>17</sup> Фаридуддин Аттор. Таскират ул-авлиё — Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 2013— 484 б.

<sup>18</sup> Мирзо К.Буюк Термизийлар—Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси.2017.—528 б.

<sup>19</sup> Пидаев Ш.Термиз.Мозийдан садо// 2013—№ 2(58) – 11-12 б.

охири XX аср бошларида Термиз<sup><sup>20</sup></sup> мақоласида руслар босқинига қадар ва ундан кейинги тарихи ўрганилган.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Ушбу битирув малакавий ишининг илмий янгилиги сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон музейшунослик соҳасида Термиз ва ат-Термизийлар музейи фаолияти илмий манбаларда алоҳида тадқиқот олиб борилган ҳолда ёритилмаган. Мазкур битирув малакавий ишида музей фаолияти ва экспозиция танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан тадқиқ этилмоқда.

**Мавзунинг обьекти ва предмети.** Битирув малакавий ишининг обьекти сифатида Термиз шаҳридаги Термиз ва ат-Термизийлар музейи танлаб олинди. Мазкур музей экспозициясини ўрганиш мавзу предмети вазифасини ўтайди.

**Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мавзунинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Термиз ва ат-Термизийлар музейи фаолияти ва экспозицияси таҳлил этилди. Амалий аҳамияти келгусида Термиз ва ат-Термизийлар мероси музейи фаолияти ўрганиш, музейшунослик соҳасида илмий тадқиқот олиб борувчилар ва музейшунослик йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма бўлиб хизмат қиласи.

---

<sup>20</sup> Зияев.А. XIX аср охири XX аср бошларида Термиз//Мозийдан садо.//2013.—№3(59).— 21-22 б.

# **1 БОБ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ.**

## **1.1. Термиз шаҳри тарихи ва мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари.**

Сурхондарё вилояти республикамизнинг жанубий қисмида жойлашган. Вилоят жанубидан Амударё бўйлаб Афғонистон, шимолий-шарқи ва шарқдан Тоҷикистон, жанубий-ғарбдан Туркманистон билан чегарадош. Сурхон воҳаси иптидоий одамларнинг манзилгоҳлари топилганлиги билан бутун жаҳонга машҳур. Вилоятнинг Бойсун тоғи жанубий ёнбағридаги Тургандарёнинг Завталашган дарасида, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган Тешиктош ғоридандан мустъе даврига мансуб VIII-IX ёшли неондертал бола суяклари топилган. Олимлар томонидан олиб борилган татқиқодлар натижасида Кўҳитанг тизмаларидағи Зароутсой қоятош суратлари мезолит даврига оид экан аниқланган. Сополлитепа, Жарқўтон, Далварзинтепа, Кампиртера, Фаёзтепа сингари археологик ёдгорликлардан топилган осори-атиқалар воҳанинг маданияти ва шонли ўтмишидан далолат беради.

Сурхон воҳасининг Зароутсой, Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидағи расмлар бу замин жаҳон цивилизациясининг бешикларидан эканига гувоҳлик беради. Бақтрия, Кушон каби кўхна давлатлар тарихи, Далварзинтепа, Кампиртепа, Зартепа қалъаси сингари ноёб ёдгорликлар бу ерда қадим замонларда ҳам юксак тараққиёт мавжуд бўлганини исботлайди. Сурхондарёни Яратганинг ўзи гўзал табиат билан сийлаган. Олтинсой, Сангардак, Сайроб, Дарбанд, Хонжизза, Боботоғ каби гўзалгўшаларни бир бор кўрган, “Алпомиш” достонини бахшиларнинг ўзидан эшитган одам бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади<sup>21</sup>.

Термиз шаҳри Сурхондарё вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, Амударёнинг ўнг соҳилида, мамлакатимизнинг Афғонитстон билан чегара

<sup>21</sup>Мирзиёев Ш.М.Буюк келадагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.—Т.: Ўзбекистон, 2017.—Б 277

қисмида жойлашган. Ўзбекистоннинг “жанубий дарвозаси” дея эътироф этиладиган ушбу кент қадимдан порт шаҳар саналган. Термиздан Буюк ипак йўли ўтган. Шаҳарнинг кўхна тарихидан археологик қазишмалар жараёнида аниқланган топилмалар ҳамда юон ва араб муаррихлари томонидан битилган манбалар далолат беради. Термизнинг эски шаҳар қисми харобалари халқ орасида “Кўхна Термиз” номи билан машҳур. Бу ерда олиб борилган тадқиқотлар ва ёзма манбаларнинг таҳлили натижасида шаҳарга милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида асос солинганлиги аниқланган. Дастреб қадимги Бақтрия сўнг, салавкийлар ва кушонлар давлати таркибида бўлган. Термиз шахрининг илк ривожланган даври эрамиздан аввалги II-I асрларга тўғри келади. Бу Юнон-Бақтрия хукмронлиги давридир. Шаҳар майдони ғарб томонга қараб кенгаяборди.

Тармита-Термиз шимолий Бақтриянинг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлган. Бу даврда шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ва савдо, айниқса, кулолчилик ишлаб-чиқариши ривожланди. Тармита-Термизнинг сопол буюмлари тури кўп бўлиб, тайёрлаш техникаси юксак даражада эди. Бу даврда сопол буюмларнинг кўпчилиги кулолчилик чархида тайёрланган оч рангдаги ҳамда қизил жигарранг ангоб билан қопланган.

Шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо муайян рол ўйнаган. Тармита-Термиз Бақтрия ва Ҳиндистон шаҳарлари билан чамбарчас савдо ва маданий алоқада бўлган. Ушбу ҳудудларнинг бари Юнон-Бақтрия подшоларининг (ягона) давлати таркибига кирган. Тармита-Термиздан топилган фил суяги ва шишадан ясалган буюмлар буни ёрқин далилидир. Улар орасида эллинча санъат анъаналари асосида фил суягидан тайёрланган унумдорлик маъбудасининг ҳайкалчаси аллоҳида қизиқиш уйғотади. Юнон-Рим олами билан алоқалар тўғрисида топилган шиша идишлар далолат беради<sup>22</sup>.

Кўхна Термиз харобалари замонавий шаҳардан шимоли-ғарбга томон 7 км масофада, Амударёнинг ўнг қирғоғи ёқалаб жойлашган. Шаҳарча уч

<sup>22</sup>Термиз Албом – Т.: Шарқ 2001. – Б 14

қисмдан иборат: қалъа, шаҳристон ва работдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири қудратли қалъа девори билан мустаҳкамланган. Шаҳарнинг қадимий номи Тармита—қадимий авесточа “Тараметҳа” сўзидан олинган бўлиб, “дарёнинг нариги тарафидаги манзилгоҳ” маъносини англатади. Искандар Зулқарнайн уни Оксдаги Искандария дея қайта номлаган. Салавкийлар ҳукмронлиги даврида шаҳар Антиохия, Тармита номида бўлган. Илк ўрта асрлар арман манбаларида у “Дрмат” номи билан машхур бўлган. Шаҳарга 630 йилда келган хитойлик сайёҳ Сюан Цзянь унинг номини Тами шаклида ёзиб қолдирган. 9-13 асрлар араб-форс манбаларида Тармиз, Термиз, Турмуз деган турли шаклдаги номлари учрайди. Ўтказилган комплекс археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, милоддан аввалги III-II асрларда ёқ Термиз ўрнида анча йирик шаҳар мавжуд бўлган. У юонон-бақтрия салтанатининг шимолий сарҳадларидағи асосий истеҳком бўлган ва антик муаллифларнинг хабар беришича у “Бақтрияning мингта шаҳридан бири” бўлган. Бу ерда топилган фил суягидан ишланган ҳайкалчалар ва Мисрда ишлаб чиқарилган шиша идишлари бўлаклари Термиз қадимданоқ Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизи шаҳарлари билан узвий савдо алоқаларига эга бўлганлигидан далолат беради. Термиз Кушон даврида—милодий I-III асрларда гуллаб-яшнаган бу даврда шаҳар майдони 350 га ни эгаллаган ва Бақтрияning буддавийлик марказига айланган.<sup>23</sup>.

Термиз ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар кушонлар даврида буддавийликнинг йирик маркази эканлигини исботлади. Бу даврда шаҳарнинг шимолий-гарбий чеккасида улкан буддавийлик маркази вужудга келган. Бугунги кунда улар Қоратепа ва Фаёзтепа номлари билан аталади. Улар ўттизтacha эҳром ва ибодатхоналарни ўз ичига олган. Ибодатхона ва эҳромларнинг интерери нақшу нигорларбезатилган. Будданинг турли шаклда ишланган ҳайкаллари топилган.

Кушонлар даврида Тармита-Термиз Ўрта Осиёда буддизмнинг йирик марказига айланган. Шаҳарда айниқса унинг шимолий-ғарбий чеккасида

---

<sup>23</sup>Пидаев Ш.Термиз./Мозийдан садо.2013.—№2 (58). — Б11,

кўплаб будда иморатлари барпо этилган. Бу ерда 7 гектар майдонда улкан будда маркази бунёд этилиб, у Қаратепа сингари машхур турли характердаги ўттиздан ортиқ ибдатхонани ўз ичига олган. Ибодатхона мажмуаларининг кўпчилиги ер юзасидаги ҳамда гор иншоотларини ўз ичига олгани, унинг ўзига хос хусусиятидир. Ер юзасидаги қисмининг чор атрофи айвон билан ўралган очик ҳовлидан иборат бўлган. Ибодатхона тарзининг томонларидан бирида ер юзасидаги қисмини гор билан боғловчи йўл жойлашган. Дастребки ибодатхоналар “Г” симон ғор иншоотларидан иборат бўлган, кейингилари эса “П” симон бунёд этилган. Қаратепанинг шимолий қисмida ер юзасига қурилган икки погонали платформа устига катта ступа ўрнатилган монастр бунёд этилган. Бу ступа муайян давларда тош ҳайкаллар билан ҳашаматли безатилган<sup>24</sup>

Айнан ушбу даврга оид яна бир буддизм марказларидан бири Қаратепадан бир километр шимолий-шарқда жойлашган Фаёзтепа ёдгорлигидир. Археологик ёдгорлик дастлаб 1968 йил баҳорда чўпон Абсад Бекнаев томонидан мергелий оҳактошидан ишланган будда санамини кум орасидан топиб олиши ва ўлкашунослик музейига топшириши натижасида ўрганилган. Бу ерда 1968-1976 йилларда археолог Л.И.Албаум бошчилигига тадқиқот ишлари олиб борилган.

Қаратепадан шимол томонда ер юзасига қурилган катта (17 x 34 м) Фаёзтепа монастри жойлашган. Асосий маросимлар ўтказилган марказий бино Фаёзтепанинг боғловчи бўғини бўлган. Бу ерда хоналар айвон билан ўралган ҳовлининг чор атрофида жойлашган. Марказий бинодан шимолда ступа бўлган. Ибодатхона уч деворий расмлар, Буддани, бодхисатвани ва бошқа қаҳрамонларни тасвирловчи тош ва гил ганч ҳайкаллар билан ҳашаматли безатилган<sup>25</sup>.

Исломият фатҳи даврида (686-704) Термиз 70 гектарга яқин майдонни эгаллаган, мураббаъ яъни тўртбурчак шаклдаги қалъадан иборат бўлган. X

<sup>24</sup>Термиз Албом.—Т.: Шарқ. 2001.—Б 16.

<sup>25</sup>Альбаум Л.И. Раскопки буддиски комплекса Фаяз-тепа// Древний Бактрия Л., 1974.— С 53

асрда ёзилган “Худуд ул-олам” асарида Термиз “Жайхун бўйидаги кўркам ва обод шаҳар. Қалъаси дарё бўйида, улкан бозори машхур, Хутталон ва Чаганиён аҳолиси шу ерда савдо қиласи” деб таърифланган.

X—XII асрлардан бошлаб Термиз равнақ топиб, Тохаристоннинг йирик шаҳри, хунармандчилик ва савдо марказига айланди. Бу даврда шаҳарда бир қанча маҳобатли бинолар барпо этилган. Айнан шу даврда Термиз қўҳандизи бутунлай қалъага айланган. Шаҳар майдони кенгайган. Унинг 9 та дарвозаси бўлган.

Шаҳарнинг асосий ижтимоий-маъмурий бинолари ўрнини аниқлаш XI-XIII аср бошларидағи Термизнинг тузулишини тушуниб олишда катта аҳамият касб этади. Чунончи, Эски Термиз шаҳри чеккасидаги ички безаги гоят гўзал маҳобатли бино Термиз ҳукмдорлари саройи бўлган. Сарой 9 асрнинг биринчи чорагида қурилган, деб ҳисобланади. Ва у 1025 йилда Маварауннахрга юриш қилган Маҳмуд Ғазнавий номи билан боғланади. Гардизийнинг ёзишича ушбу юриш асносида Маҳмуд Термизда ўзининг маҳобатли улуғворлиги ва ҳашамати билан барчани, биринси навбатда ўзи шу ерда учрашиши лозим бўлган Қорахоний Қодирхонни ҳайратга солиши керак эди.

Термиз ҳукмдорлари саройининг ҳашамати Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам машхур бўлган. Ҳар холда XII аср ўрталарида яшаган Идрисий Термиз атрофи мудофаа девори билан ўраб олинганини у ерда шоҳона қабуллар ўтказиладиган қаср ва бошқа хилма-хил бинолар ҳамда бозорлар борлигини қайд этар экан, айни шу саройни назарда тутган<sup>26</sup>.

Термиз Окс-Амударё бўйида, дарёдан қўлай кечув жойида жойлашгани сабабли қадимдан Моварауннахр сарҳадларига жанубдан келадиган бочқинчиларга илк қаршилик кўсатадиган қаъла бўлган. Шу сабаб нене босқинларни бошидан кечирган. Талофатлар кўрсада барбир яна қайта тикланаверган.

---

<sup>26</sup>Термиз Албом.—Т.: Шарқ 2001.— Б 16.

XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб тарихий битиклар ва Термизда зарб этилган тангаларда шаҳар номига унинг сифат-фазилатларини тасвирлаш мақсадида “Мадинат ар-рижол” (Мардлар шаҳри) сифати қўшиб ишлатила бошланган. Бу номнинг асосини Термиз аҳолисининг муғуллар босқинига қарши кураши билан боғлаб талқин этиш устунлик қиласди. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Термиз аҳолиси муғуллар истилосига қарши қаттиқ курашгани ва шу боисдан шаҳар “Мадинат ар-рижол” деб аталгани қайд этилади<sup>27</sup>.

Юқорида ҳавола этилган маълумот ўрта асрларда ҳам Термизнинг мавқеи юксак бўлганлигини кўрсатади. Яъни Термизшоҳлар саройининг очиб ўрганилиши, IX-XII асрларда шаҳар воҳанинг маъмурий марказларидан бири эканлигидан далолат беради. Порт шаҳар бўлган Термиз нафақат иқтисодий-сиёсий марказ шу билан бир қаторда маданий марказ ҳам эди. Айниқса араблар босқинидан кейин VIII-IX асрлардан бошлаб Ислом маданияти ривожланди. Масжид, мадраса ва хонақоҳлар бунёд этилди. Эски Термиздаги айрим ёдгорликлар жумладан масжид ва минора қолдиқлари ўрганилган.

Кўшқдан жанубда Чорустун масжиди ва минораси бўлган. Чорустун бу масжиднинг маҳаллий номи бўлиб аслида масжиднинг диаметр бир метр келадиган пишиқ ғишт ва ганч қоришмасидан терилган 9 та устуни бўлган. Бу масжид унча катта эмас эди. Ички ўлчами 10x10 метр эди. Унинг сатҳини 9 та гумбаз ёпиб турган. Масжид одатдагидек эмас, балки унинг икки девори бўлган холос қолган икки томони очиқ бўлган. XI асрдаги таъмирлашдан кейин пишиқ ғишт билан қопланди. Мехроб жанубий-ғарбий девор марказида бўлиб, чуқур нағал шаклида қат-қат бурмаланганд мато билан жиҳозланган токча бўлган. Чорустун масжиди қурилиш вақти ҳақида турли

---

<sup>27</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 8 жилд--Т.:2004.—388 б

хил фикрлар бор. Араб географи Ал-Мақдисий X аср ўрталарида Чорустун ҳакида ёзар экан: “Намозгоҳ Термиз работининг ўртасидадир”, дейди.

Чорустун масжидининг шимолий девори олдида минора бўлган. XIX асрда ҳам деярли сақланиб қолган эди. Минора кичик ҳажмдаги пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, асоси кўпқиррали силиндрдир. Эски Термиз минораси Ўрта Осиёдаги минораларнинг энг қадимийси. Шакли оддий эди. Моварауннахр ва Хурросон минораларида мураккаб безак бериш вужудга келганлиги маълум. Шу даврларда ҳам Термиз минораси нодир ёдгорлик ҳисобланарди. Аммо Чор Россияси босқини даврида нодир ёдгорликлар вахшийларча 20 асрнинг биринчи чорагида бузиб ташланади, унинг ғиштлари янги Термизга ташиб келиниб, иморатлар қурилишига ишлатилган<sup>28</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Термиз шахри маданиятлар чорраҳачи кесишган жой. Бу ерда минг йиллар мобайнида карвонлар қўниб ўтган. Исломгacha бўлган даврда ҳам буддавийларнинг йирик диний-маданий маркази (Фаёзтепа, Қоратепа) бўлган. VII асрда араблар босқинидан сўнг Ислом дини қарор топгач Термизий тахаллуси билан бутун жаҳонга танилган муҳаддис-у, олимлар етишиб чиққан. Улар башариятга жуда катта маънавий мерос қолдирган. Айни пайтда термизийлар асарлар қўлёзмаси Шарқшунослитк институти қўлёзмалар фондтда ҳамда Туркия, Миср, Франция, Британия каби давлатларнинг миллий кутубхоналарида, нодир қўлёзмалар фондларида сақланмоқда.

Мустақиллик йилларида Термиз шахрининг замонавий қиёфасини яратиш билан бир қаторда, шаҳарнинг ўтмиш ёдгорликларини ўрганиш, консервациялаш ва келгуси авлодларга зарар етказмаган холда етказиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан Эски Термиз, Фаёзтепа, Қоратепа сингари археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш ишлари кучайтирилди. Ҳорижий мутахасислар билан ҳамкорликда воҳадаги кўхна

---

<sup>28</sup>Уватов У. Икки буюк донишманд —Т.:Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.2017.—Б 26.

ёдгорликларда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигидаги Кўҳна Термиз харобаларида Франция ва Япония олимлари иштирокитда кўшма археологик тадқиқотлар олиб борилиб, натижада шаҳарнинг моддий ва бадиий маданиятига оид қимматли ашёлар топилди.

1999 йил ноябрь ойида ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 30-мажлисида Марказий Осиёning қадими шаҳарларидан бири Термиз шахрининг 2500 йиллик юбилейини 2001 йилда халқаро миқёсда нишонлаш тўғисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрда қабул қилган “Термиз шахрининг 2500 йиллик юбилейини 2001 йилда ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2002 йил 2 апрелда Термиз шаҳарининг 2500 йиллик юбилейи нишонланди. Юбилей арафасида шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди. Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирқиз, Фаёзтепа каби ёдгорлик мажмуалари тубдан қайта таъмирланди. Темирйўл бекати, Археология музейи, Биржа маркази, амфитеатр, янги стадион, ёпик сув ҳавзаси ва меҳмонхоналар қуриб, фойдаланишга топширилди. Юбилей муносабати билан Сурхон воҳасининг юраги саналмиш Термиз янада обод, янада гўзал шаҳарга айланди.

Азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар – зардўштийлик, буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсақ, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлган, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги бежиз эмас. Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собдиқ иттифоқ худудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва

ҳайкалтарошлиқ санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзғор буюмлари, турли-туман тақинчоғлар, ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тастифи бўла олади<sup>29</sup>.

Термиз археология музейи биринчи Президентимиз Ислом Каримовдир ташаббуслари билан ташкил этилган. Ихтисослиги бўйича Марказий Осиёда ягона бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартағи “Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 98-сонли ва 1999 йил 27 декабрдаги “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги 545-сонли қарорлари асосида, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи маносабати билан ташкил этилган. Термиз археология музейи Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 октябрдаги 08-10-168 сонли мажлис баённомасига кўра Маданият вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Археология музейининг биноси “Ўзқишлоқлойиҳа” институтининг илмий ходимлари томонидан 100 минг экспонатларни ўз заҳираларида саклаш имконичтига эга бино сифатида лойиҳалаштирилган. Сурхондарё вилояти ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқтолар натижасида топилган осори-атиқалар жамланган. Музей биноси устунли пешайвон (галерея) шаклида барпо этилган. кириш зали ва яна тўққизта кўргазмалар залидан иборат. Залларда намойиш этилаётган экспонатлар сурхон воҳасининг энг қадимги иптидоий даврга оид маданиятидан токи 20-асргача бўлган даврдаги тарихини ўзида намоён этади. Заллар қўйдагича номланади: Биринчи зал—Сурхон воҳаси тош даврида (мил. ав. 100—3 минг йиллик бошлари); иккинчи зал—Сурхон воҳаси жез даврида (мил. Ав. III-I минг йилликлар бошлари); учинчи зал—Бақтрия маданияти (мил. ав. I минг йилликлар бошлари ва мил. ав. IV аср); тўртинчи зал—Қадимги Бақтрияning македониялик Искандар ва эллинистик давлатлар даври маданияти (мил. ав. 329 й –мил.ав. II аср ўрталари); бешинчи зал—Қадимги Бақтрия Кушонлар

<sup>29</sup>Каримов И.А.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: Ўзбекистон 2002. –Б 221.

даври маданияти (мил.ав. I аср ва мил. III асрлар); олтинчи зал—Шимолий Тохористон илк ўрта асрлар даврида (мил. IV—VII асрлар); еттинчи зал—Шимолий Тохористон ривожланган ўрта асрлар даврида (IX-XII асрлар 1-чораги); саккизинчи зал—Термиз ва Чаганиённинг Амир Темур ва темурийлар даври маданияти (1370 йилдан—XVI аср бошларигача); тўққизинчи зал—Сурхон воҳаси (XVI-XX асрлар). Музей фондидаги 80 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд бўлиб, музей мажмуасининг ички ҳовлисидаги айвонли голиреяда ҳам ноёб экронатлар ўрин олган. Жумладан м.а. I аср ва м. III асрга оид арслон басвирили тош устуннинг капител қисми, сополдан ясалган қувурлар, XIV-XV асрларга оид мармардан ишланиб, ёзувлар битилган қабртошлар бор. Музей муттасил экспонатлар билан тўлдириб борилмоқда, чунки минтақада ватанимиз ва хорижий қадимшунос экспедициялари ўзларининг археологик тадқиқотларини давом эттиromoқдалар.

Музейнинг археология ва тарих бўйича энг қимматли нашрларнинг 17 минг жилдан ортиқроқ китоби бўлган илмий кутубхона фаолият кўрсатиб турибди. Бундан ташқари қимматбаҳо маъданлар, заргарлик буюмларини муфассал намойиш этиш учун маҳсус жиҳозланган заллар бор.

2007 йилда “Фаёзтепа” археологик ёдгорлик шахристонини ўрганиш бўйича илмий марказ очилди. Кўргазма заллари доимий равишда маҳаллий рассомларнинг кўплаб даврий экспозициялари ташкил этилади. Музей, шунингдек, республика ва халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб ўзининг мавзули коллекцияларини намойиш қилиб келмоқда.

Музейнинг илмий ходимлари археологик тадқиқотларда, чунончи, кўрғон-қалъа ва Эски Термиздаги масжид, Таллитогора шахристони ҳамда вилоят археологик харитасини тузишда фаол қатнашдилар. Қисқа муддат ичида музей нафақат маҳаллий аҳоли, шунингдек, хорижлик сайёҳлар ўртасида ҳам жуда катта шухрат қозонди. Жаҳон илмий жамоатчилигининг ҳам музей экспонатларига қизиқиши тобора ортби бормоқда. Шу маънода музей турли семинарлар, илмий анжуманлар, маданият ва санъат арбоблари

ҳамда нафақат Ўзбекистон балки Германия, Япония, Франция ва бошқа мамлакатлар олимлари билан учрашувлар ўтказиши одат тусига кирган<sup>30</sup>.

---

<sup>30</sup>Ботиров И. Мозийдан садо//.2013 — №2(58).—Б24

## **1.2. Буюк Термизийларнинг ҳаёти ва фаолияти.**

VII-VIII асрларда улкан ҳудудлар араб халифалигига бўйсидирилди. Жумладан Моварауннахр ва Хурносон ҳам унинг таркибида эди. Ягона дин, ягона тилнинг қарор топиши айниқса илм-фаннинг ниҳоятда юксалишига асос бўлди. Халифалик таркибидаги барча ўлкалардаги мадрасаларда араб тили ва имло қоидаларинг ўқитилиши, асарларинг ягона тилда ёзилишига ҳамда илм ахлининг ўзаро мунозарага эркин киришишига имкон яратди. Хорун ар-Рашид вафот этганидан сўнг 813 йилда унинг ўғли ал-Маъмун халифалик тахтини эгаллади. У илм-фанга ниҳоятда катта эътибор қаратди. Бағдодда “Байт ул-ҳикма”га асос солди. Қадимги юонон олимлари Афлотун, Арасту, Сукрот, Гиппограт, Гелен, Евклид асарлари араб тилига таржима қилинди. Академияда Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Марвазий, Марварудий, Жавҳарий каби Моварауннахр ва Хурносонлик олимлар фаолият юритган.

IX асрнинг охирги чорагида Моварауннахрда сомонийлар хукумрониги ўрнатилди. Айниқса Исмоли Сомоний даврида давлат сарҳадлари кенгайди. Халифаликга қарамлиқдан озод бўлиш, ҳудудларнинг кенгайиши, сиёсий барқарорлик иқтисодиёт, савдо-хунармандчилик ва маданиятнинг ривожланишига асос бўлди. Сомонийлардан сўнг Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари Моварауннахр ва Хурносонда ҳукм сурди. Ушбу сулолалардан одил ҳукмдорлар даврида одил ҳукмдорлар фалиятлари давомида тинчлик осойишталиқ, барқарорлик вужудга келди. Меъморчилик, фан ва мадания юксалди. Бу омиллар IX-XII асрлар Марказий Осиё тарихида уйғониш даври номи билан қайд этилади. Бу даврда Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувони, Имом ал-Мотирудий, Имом Муин Насафий, Бурхонуддин Марғиноний сингари муҳаддис ва фиқҳшунослар, Мусо ал-Хороазмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Ҳаким ат-Термизий, Рудакий,

Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий сингари қомусий олимлар, сүз санъаткорларию муаррихлар етишиб чиқди.

Юқорида биз қайд этган даврда Термиз Моварауннахрнинг йирик маданий марказларидан бир саналган. Тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида Термиз ва унинг атрофидаги қасаба ва манзиллардан ўрта асрларда юздан ортиқ Термизий тахаллусида фаолият юритган мұхаддис, фикҳшунос, олим ва шоирлар етишиб чиқган. Улар ҳақида араб олими ва сайёхи Мұхаммад Сомъонийнинг “Китоб ал-ансоб”, мутасаввуф шоир Фаридуддин Атторнинг “Таскират ул-авлиё”, Абдураҳмон Жомийнинг “Мажолис ул унус”, Алишер Навоийнинг “Насийим ул-муҳаббат” сингари асарларида маълумотлар учрайди.

Мұхаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Дааҳҳоқ ас-Суламий Ал-Буғий Ат-Термизий, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий, Ҳазрат Абу Бакр Варроқ Термизий, Ҳазрати Сайиди Сирдон—Бурхонуддин Мұхаққиқ Термизий, Ҳазрат Мұхаммад ибн Ҳомид Термизий, Ҳазрат Абул-Музаффар Термизий, Ҳазрат Абу Зарр Термизий, Ҳазрат Юсуф Ҳайём Термизий, Али ибн Ҳасан ибн Башир ибн Ҳорун Термизий, Султон Саодат—Ҳасан ал-Амир Термизий, Гулсумаи Даврона—Бинити Мұхаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий, Самон Ашур ибн Сайид Шарофуддин ибн ҳамза Ҳофиз ат-Термизий (Кокилдор ота), Абу Аби Ҳасан ибн Ҳамзаи Ҳофиз ат-Термизий, Сайид Ҳомид Олим ат-Термизий, Сайид Жамолуддин Термизий, Сайид Қулфуддин Термизий, Сайид Иброҳим Термизий, Сайид Абдулқодир Термизий, Сайид Носир ат-Термизий, Ҳожа Самандар Мұхаммад Бақо Термизий, Абу Бакр ас-Сағоний, Аҳмад ибн Мұхаммад ас-Сағоний ат-Термизий-Устурлобий, Абу Ҳомид ас-Сағоний, Аҳмад ибн Абу Саъид Ваққос Термизий, Баҳоуддин Мұхаммад Иброҳим ибн Мұхаммад Термизий, Мир Сайид Али Термизий, Камолиддин Мир Ҳусайн Термизий, Мир Мұхаммад Маъсум Термизий, Дўстмуҳаммад Мунший Термизий, Ҳидоят Али Термизий, Мұхаммад ибн Мўмин ат-Термизий, Мирзо Салимбек ибн

Мұхаммад Раҳим Термизий ва бошқалар. (термизий алломаларининг исм шарифларини манбалардан олинди).

Қуйида буюк Термизийлар алломаларнинг айримлари ҳаёти ва фолиятига доир маълумотлар тақдим этилади.

### **Абу Исо Мұхаммад ат-Термизий**

Мұхаммад ибн Исо ибн Сарва ибн Мусо ибн Заҳдок Сулламий Буғий Термизий 824 йилда Термиз шахри яқинидаги Буғ қишлоғида (хозирги Шеробод тумани худудида) дунёга келган. Унинг ёшлиқ йиллари шу шаҳарда ўтган. Илк сабоғни ҳам Термизда олган. Ўткир зехни ва илмга чанқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган.

Ат-Термизий илмга ўта қизиқиши туфайли ўз даврининг кўпгина илмлари, айниқса ҳадис илмини чуқур ўрганган. Термиз, Самарқанд, Марв, Самарқанд ва Марказий Осиёning бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўрганган, қўшни Балх ва Ҳайратом шаҳарларидағи илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишида муносиб хисса қўшган. Олимлардан биридир. Ёшлишидан илм фанга ташна ат-Термизий 850 йилда яъни 26 ёшидан бошлаб, узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилди. Жумладан, у Ҳижоз-Макка ва Мадина, Ироқ, Хурросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, уламолар билан мулоқотда бўлиб. Улардан таълим олди, қизғин илмий мунозаралар ва баҳсларда иштирок этди. Тарихчи Шамсиддин аз-Заҳабийнинг таъкидлашича , ат-Термизий Миср ва Шомни шаҳсан зиёрат қилмаган, шу боисдан ҳам бу мамлакатлар уламоларидан билвосита ҳадислар ривоят қилган. Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафакат ҳадис илмидан балки илм ал-қироат, ал-баён, фикҳ, тарих каби фаннинг бошқа соҳаларига доир қўплаб устозлардан сабоғ олган<sup>31</sup>.

“Ривоят қилишларича, ат-Термизий бир киши айтган ҳадисларни бошқа бирордан ёзиб олган, лекин айтувчининг ўзини ҳеч кўрмаган экан.

---

<sup>31</sup>Уватов У. Икки буюк донишманд —Т.:Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2017.—Б 42.

Бир гал Макка йўлида тўсатдан ат-Термизий ҳадисни ёддан айтиб берадиган ўша кишига тўқнаш келгач, дарҳол салом-алик қилиб, ундан ҳадис айтиб беришни илтимос қилади. У киши ҳам йўқ демай, ҳадис айтишга оғиз жуфтлаганда, ат-Термизий ёзганларини текшириб кўриш ниятида икки қисмдан иборат дафтарни олдига қўйиб қараса, ҳеч нарса ёзилмаган оқ қоғоз бўлиб чиқди. Ёзганлари эса уйида қолган экан. Айтувчи ҳадисларни ёддан айта бошлайди. Ат-Термизий бўлса жимгина олдидаги қоғозларга қараб ўтираверибди. Ҳадис айтаётган кишига айтаётгандарига ат-Термизий ишонмай, дафтардаги ёзганлари орқали уни текшириб кўраётгандек туюлибди. Шунда ат-Термизий кишидан бошқа бошқа ҳадисларни ўқишни сўрабди. Айтувчи ёддан қирқта ҳадис айтиб берсада, ат-Термизий у ўқиган ўша ҳадиснинг ҳеч бир сўзини ўзгартирмай, айнан қайтарибди. Ҳадис айтувчи ат-Термизийнинг хотирасига қойил қолиб, “Шу пайтгача мен сенинг каби кишини кўрмаган эдим”, дебди”<sup>32</sup>.

Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Сайд, Исок ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон сингари машҳур муҳаддислардан Ат-Термизийнинг устозлари саналган. Ат-Термизий Имом Бухорий билан Нишопцрда учрашади. Беш йил давомида бирга яшаб ҳадис илмидан сабог олади.

Имом Термизий ўзининг фаолияти давомида ўндан ортиқ асарлар яратди. Улардан айрималари, жумладан “Ал жомиъ ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”), “Ал-Жоми ал-кабийр” (“Катта тўплам”), “Аш-Шамоил анабавийя” (“Пайғамбар алайхиссаломнинг шакл ва сифатлари”), “Ал илал филҳадис” (“Ҳадислардаги иллатлар”), “Рисола филхилоф валжадал” (“Ҳадислардаги ихтилофлар ва баҳслар ҳақида рисола”), “Ат-Тарих”, “Китоб уз зуҳд” (“Зоҳидлик ҳақида китоб”), “Китоб уласмо валкуно” (Ислар ва куниялар) бизгача етиб келган.

---

<sup>32</sup>Шифр: Дис-478/2009 Автор: К.Б.Қодиров Имом Абу Исо Мухаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари:// Пед фан. Номзоди 28.5.2009. —Б 31.

Абу Исо Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш “Ал жомиъ ас-саҳиҳ” олим мاشаққатли меҳнати маҳсули сифатида, ҳадис илмида катта аҳамиятга эга муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Энг аввало шуни айтиш керакки, муаллиф ўз асарини аллоҳида-аллоҳида бобларга бўлиб, имкони борича ҳар бир ҳадис ровийларини келтириб, ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини аниқлаб аллоҳида кўрсатади. Олдинроқ асарини биз “Ас-суннан” (Суннатлар) номи билан (“Суннан ат-Термизий”) аталишини ҳам эслатиб ўтгандик. Бу ном билан аталишига сабабландан бири –Унда фиқҳ масаласига доир аҳком ҳадислар жуда кўп келтирилган. Шулар билан бир қаторда асарда панд насиҳат, ахлоқ-одоб, тафсир, гўзал хулқ, фазилатлар хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилганки, бу даражадаги ҳадислар ҳеч бир муаллий асарида учрамайди, десак муболага бўлмаса керак<sup>33</sup>.

Асар 270 ҳижрий (884 йилодий) йилда яъни муҳаддиснинг 60 ёшлик чоғларида юксак илмий салоҳиятга эришган чоғида ёзилган.

Ушбу асар қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида, шунингдек Ўзбекистон Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866) йили Митоҳда, 1292 (1875) йили Қоҳирада, шунингдек, 1980 йили Байрутда нашр этилганлигини кўрсатиш кифоя. Ат-Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан ибн ал-Арабий (вафоти 1148 милодий йил) номи билан машҳур бўлган имом ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулла ал-Ашбилийнинг “Ордат ал-Аҳвазий ала китоб ат-Термизий” номли 13 жуз (қисм)дан ииборат шарҳларини келтириш мумкин. Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр этилган. мисрлик олим ва адиб Жамолиддин Абдураҳмон ибн Абу Бакр ас-Суютийнинг (1445-1505) ат-

---

<sup>33</sup>Шифр: Дис-478/2009 Автор: К.Б.Қодиров Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари// Пед фан. Номзоди 28.5.2009.—Б 7.1

Термизий асарига ёзган шархи “Кут ал-муғтазия ала Жомиъ ат-Термизий” (ундан икки қисми нашр қилинганд) деб аталади<sup>34</sup>.

Имом ат-Термизий узоқ йиллик сафардан сўнг ўз юртига қайтиб келган. Йирик муҳаддис олим сифатида эл орасида хурмат қозониб қўплаб шогирдлар ни камолга еткизган. 892 йилда вафот этди. Ат-Термизийнинг қабри Шеробод туманидаги Буғ қишлоғида жойлашган. У ерда авлодлари томонидан мақбара бунёд этилган.

Буюк мутассаввуф шоир Фаридуддин Аттор ўзининг “Таскират ул-авлиё” асарида Ҳаким ат-Термизийга қуидагича таъриф берган:

Суннат ҳакими, миллат азими, шайхи олам, машойихларнинг муҳтарамларидан, барча кўнгиллиларда таникли, барча тилларда таърифли, “Қуръон” маънолари бобида нишона, ахбор ва аҳодис бобида ягона, ҳақойик ва дақойик бобида ажойиб, хулқ ва олийҳимматлик билан безанганд, мулойимлик ва ҳаё билан ораста, илм-фанлар бобида ягона ва комил, шариату тариқат бобида муждаҳид эди. У яшаган даврдаги суфийларни Термизийлар дердилар. Уларнинг масҳаби хос,химмат ва саховат соҳиби, илми Раббоний эди.

Таскирада Ҳаким Термизий билан боғлиқ бир қанча қизиқарли ҳикоялар ҳам ўрин олган. Улардан бири қуидагича: Нақл қилишларича, шайх Ҳаким Термизий ёшликтк вақтида икки дўсти билан илм ўқигани бирга кетишга қарор қилишиб, сафар ҳаракатига тушишибди. Унинг кекса онаси эшитиб: —Эй жоним ўғлим, мени кимга ташлаб кетасан, мен сенда айрилсам ўламан, --деб зорлик билан йиглабди.

Онасининг бу ҳолини кўриб, Ҳаким Термизий ҳамроҳларига:

—Мен онамни норози қилиб кетолмайман, —деб сафарни тарк этади.

Бас икки дўст илм ўргангани кетадилар. Бир неча кун ўтгандан кейи Ҳаким Термизий гўристонга бориб, зорлик қилиб:

---

<sup>34</sup>Уватов У. Икки буюк донишманд —Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2005.—Б 52

—Дўстларим илм ўрганишга кетишиди. Оз вақтда улар илмли бўлиб келадилар. Мен эса, илмсиз ва жоҳиллигимча қоламан деб кўп йиғлади.

Шу пайт бир нуроний киши унинг ёнига келиб:

—Эй фарзанд, нега йиғлаляпсан? —деб сўради.

Ҳаким Термизий:

—Мен икки дўстим билан бирга бориб, илм ўрганишга келишган эдик. Улар илм ўргангани кетдилар, мен онамнинг розилигини хоҳлаб кетмадим. Илмсиз қолдим, шунинг учун йиғлаляпман, —деди.

У киши:

—Хоҳлайсанми, мен ҳар куни келиб сена илм ўргатаман. Дўстларингнинг илмидан ҳам кўпроқ илм ҳосил қиласан, — деди.

Ҳаким Термизий:

— Кошки, бу давлат менда ҳосил бўлсам эди, — деди.

У ҳазрат ваъда берди. Шундан сўнг Ҳаким Термизий ҳар куни гўристонга борди ва у ҳазратдан дарс олди. Уч йил мобайнида ҳар хил фанлардан илм ўрганди. Кейин билсам, у ҳазрат Хизр эканлар. Бу давлат Ҳаким Термизийнинг онасини розилигидан ҳосил бўлди<sup>35</sup>.

### **Ҳаким ат-Термизий.**

Ҳаким ат-Термизийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийdir. Алломанинг таваллуди ва вафот этган санаси хусусида турли манбаларда бурлича йиллар кўрсатилган. Бироқ олим Ҳожи Халифанинг “Кашф уз-зунун” асарида Ҳаким Термизийнинг вафот этган санаси ҳижрий 255 йил (милодий 869 йил) деб кўрсатилган. Аллома қабри устига ўрнатилган сағанада ҳам ушбу сана ва унинг ҳаётига оид айрим маълумотлар келтирилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Ҳаким ат-Термизий узок умр кўрган (116 ёки 120 йил). Таҳминан 750-760 йиллар оралиғида Термизда таваллуд топган.

---

<sup>35</sup>Фаридуддин Аттор. Таскират ул-авлиё —Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2013 —Б 402-404

Алломанинг болалик ва ёшлиқ йиллари ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган. “таржимаи ҳоли”и га кўра , у саккиз ёшидан бошлаб диний илмлар билан жиддий шуғулланган, йигирма саккиз ёшида эса Маккага ҳаж сафарига жўнаган. Сафардан қайтгач Ҳаким ат-Термизий суфийлик йўлинни тутган: хилватга кетиб, нафси амморини енгиб, суфиёна рисолаларни ўрганганд. Унинг падари бузруквори Али ибн Ҳасан билимдон муҳаддис олим бўлган, илм излаб Бағдодга борган, ўша даврнинг таниқли олимлари билан ҳадиснинг турли масалалари борасида илмий мунозараларида фаол иштирок этган. Онаси ва тоғаси ҳам ҳадиси набавийяning билимдонлари бўлиган. Бидан кўриниб турибдики Ҳаким Термизийнинг юксак илмий маънавий салоҳиятга еришишида оила муҳити пойдевор бўлган. Ҳаким Термизийнинг устозлари ҳақида ишончли манбалардан маълумотлар етиб келган. Уларга таянган ҳолда Солих ибн Абдуллоҳ ат-Термизий, Суфён ибн Вакий, Ҳасан ибн Умар ибн Шафиқ ал-Бахрий, Аҳмад ибн Ҳадбараиҳ, Абу Туроб Нахшобий, Яҳё ибн Маоз ар-Розий каби замонасининг улуғ муҳаддис шайхларидан Ҳаким Термизий сабоғ олганлигини айтиш жоиз. Ул зотнинг илмий ва ижодий фаолияти юксалишига Балх, Нишопур, Бағдод сингари Ислом оламининг йирик марказлари бўлган шаҳарларга қилган сафарлари

ва у ерлик олимлар ва муаддислар билан учрашуви ҳамда илмий мунозараларда иштирок этиши катта аҳмият касб этади<sup>36</sup>.

Ҳаким ат-Термизий ўзининг сермазмун ҳаёти мобайнida жуда катта илмий-маънавий мерос қолдирган. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари сони бўйича манбаларда турлича рақамлар кўрсатилади. Жумладан мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзиича ал-Ҳаким ат-Термизий тўрт юздан ортиқ асар ёзган бўлиб, улардан олтмишга яқини бозгача етиб келган. Аллома асарлари Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул ва Лондон каби шаҳарлардаги қўлёзмалар фондида сақланади. Жумладан Париж Миллий кутубхонасида (араб бўлими 5018 рақамида) ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қуидаги ўн икта асари сақланади: “Китоб ус-салот ва

<sup>36</sup>Чориев З.У., ва б., Ҳаким ат-Термизий таваллуди ва ҳаёти саналарига доир//Жайхун.2006 –№3-4 –31-32 б.

мақосидуҳо” (Намоз ва унинг мақсадлари), “Китоб ул-хажж ва асрориҳи” (Ҳаж ва унинг асрорлари), “Китоб ул-жумал ал-лозим маърифатиҳо” (Билиш лозим бўлган жумлалар), “Китоб ул-фуруқ ман ут-тародуф” (Фарқлар ва кетма-кетликни ман қилиш), “Китоб Ҳақиқат ул-одамийя” (Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб), “Китоб Урс ул-муваҳаддийн” (Якка Худога этиқод қилганларнинг завқи), “Китоб ул-аъзо ван нафс ва юсаммо казолика ғавр ул-умур” (Аъзолар ва жон ёки ишларнинг моҳияти ҳақидаги китоб), “Китоб Манозил ал-ибод мин ал-ибодати” (Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари ёхуд Аллоҳга интилувчиларнинг манзиллари ҳақида китоб), “Китоб ул-ақл вал-ҳаво” (ақл ва ҳавоийлик ҳақида китоб), “Китоб ул-Амсол мин ал-Китоб вас суннат” (Қуръон ва суннатдаги масалалар китоби), “Китоб ал-маноҳий” (Раддиялар ҳақида китоб).

Ҳаким ат-Термизийнинг суфийлик тарихидаги аҳамияти асосан унинг рисолалари билан белгиланади. Уларда “руҳ” ва унинг “ҳолати” ҳамда “ҳаракати” тўғрисидаги, ўзини-ўзи такомил топтириш ҳамда тубан хатти-ҳаракат ларни жиловлаш усуулариҳақидаги, покланишга олиб келувчи изтироблар ва шу кабилар суфийлик руҳиятининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатади. Ҳаким ат-Термизий суфиёна “маърифат” (“ҳикмат”)ни инсон етишиши мумкин бўлган олий билим деб ҳисоблайди. Бу билимни у инсон қалъбидан жой олган “илоҳий нур”га ўхшатган. Шариат қоидаларини шарҳлаш ва қўллашдан иборат бўлган илмдан фарқли ўлароқ “маърифат” нарсаларнинг ички моҳиятини ва охир оқибатда, “илоҳий моҳиятини” англа стади. Илмни таълим жараёнларида эгаллаш мумкин бўлса, “маърифат” Аллоҳнинг суйган бандаларига нозил бўладиган раҳматидир. Илмни татбиқ этиш соҳаси ва вақти чекланган, “маърифат”нинг эса чеки йўқ. Қалбини дунё меҳридан пойлаган ва Аллоҳга ошиқ бўлганларгина маърифатга етишадилар. Ҳаким ат-Термизий суфий валийларни шундайлардан деб

хисоблайди. Улар қолган диндорлардан айнан маърифатга етишганликлари билан ажралиб турадилар<sup>37</sup>.

### **Ҳазрати Сайид Сирдон—Бурҳонуддин Муҳаққиқ Термизий**

Кўхна Термизйнинг улуғларидан яна бири Сайид Сирдон ва Муҳаққиқ каби насбалар билан оламга машхур бўлган Бурҳонуддин Термизийдир. 1165 (хижрий 561)йилда Термизда таваллуд топган. У кишининг насаблари пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғлангани учун исмларига Сайид нисбаси қўшиб айтилган. Бурҳоунддин исмларининг маъноси “Диннинг далил-хужжати демакдир”. Муҳаққиқ дейилишига манбаларда бир нечта сабаб кўрсатилади: Илм маърифатда ҳақиқатни излаб тадқиқ этувчи; сўзни далил билан исбот этувчи; далилни далил билан событ қилувчи. “Сайиди сирдон” дейилишига сабаб, Аллоҳ таоллонинг изни билан инсонларнинг қалбидан кечган сирларни кашф орқали билгани ва ҳол соҳиби бўлгани учун бу нисбани олганлар. Бурҳонуддин Термизий балхлик улуш авлиё “Султон ул-уламо” Баҳоуддин Валаднинг шогирди бўлган. Баҳоуддин Валад вафотидан сўнг унинг ўғли улуғ мутасаввуф шоир Жалолиддин Пумийга устозлик қилди.

Накл қилишларича, Бурҳонуддин Термизий Султон ул-уламога шогирдликка тушгандан кейиу, риёзат йўлига кириб, икки кунда арпа унидан бўлган битта нонни еб, йиллар давомида сахро, тоғларда юриб, маънавий етуклика эришади. Бир нақлга қўра, ўн икки кунда битта нон ер эди.

Дастлаб, Балхда қирқ кун бўлиб, Термизга қайтади. Термизда бир йил юриб, яна Балхга бориб, у ерда икки-уч йил қолади. Бурҳонуддин Термизий бу вақт давомида зоҳирий ва ботиний илмдарни ўрганиб, маънавий юксак даражага эришади. Мухтарам устоз ўз ўғли ёш Жалолиддин (яъни Мавлоно Жалолиддин Румий)нинг таълим-тарбиясини Бурҳонуддин Термизийга топширади. Ҳазрат Бурҳонуддин Муҳаққиқ Термизий ана шундай шарафли зот бўлиш билан бирга, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мураббийси, устози ва пири бўлишдек шарайга ноил бўлган.

---

<sup>37</sup>Термиз Албом—Т.: Шарқ 2001.—Б 14

Сайид Бурхонуддин Термизий ўн икки йил давомида устози ва пири Баҳоуддин Валаднинг хизматида бўлиб, у кишидан илм ва ирфон ўрганиб, зоҳирий ва ботиний илмлардан таълим олади, устоздан ижозат олиб, риёзатга чекинади. Ҳазрат Баҳоуддин Валад Балхдан Куниёга кетганидан сўнг, хижрий 616 (милодий 1219) йилда Баҳоуддин Термизий ўз юрти—Термизга қайтиб келади<sup>38</sup>.

Бурхонуддин Термизийнинг фақат “Маъориф” номли асари бизга қадар етиб келган. Ундан фалсафа, қонуншунослик, тафсир, ҳадис илми билан боғлиқ масалалар ва ислом масҳаблари ёритилган. Сайид сирдон—Бурхонуддин Валад 1240 (баъзи манбалардан 1241) йилда Куниё шаҳрида оламдан ўтган.

---

<sup>38</sup> Мирзо Кенжабек Буюк термизийлар—Т.: Ўзбекистон миллий энсиклопедияси. 2017 — Б 207-208

## **2 БОБ ТЕРМИЗ ВА АТ-ТЕРМИЗИЙЛАР МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИ**

### **2.1. Термиз ва ат-Термизийлар музейининг ташкил этилиш тарихи ва экспозицияси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги 545-сонли «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори Вилоят маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек витлоят худудидаги кўплаб ёдгорликларда таъмирланиб, атрофлари обод этилди. Воҳанинг бой ўтмиши ва маданиятини ўзида акс эттирувчи осори-атиқалар жамланган икта янги музей Термиз археология музейи ва Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи (собиқ вилояти ўлкашунослик музейи) таркибидаги Ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасида қошида Термиз ва ат-Термизийлар музейи ташкил этилди.

Термиз ва термизийлар мероси музейи 7 та бўлимдан иборат бўлиб, экспозици хроналагик тартибда тузилган. Термиз шаҳри тарихи даврма-давр ёритиб берилган. Айни пайтдаги мавжуд экспозиция 2010 йилда Сурхондарё тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари ва соҳанинг етакчи олимлари ҳамкорлигига тузилган. Ҳар бир бўлимга шаҳар тарихидан қисқача маълумот ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган.

I.бўлим: Термизнинг қадимги Бақтрия, македониялик Александр ва эллинистик давлатлар даври маданияти.

Ватанимизнинг қадимги тирихий ва маданий марказларидан бири Термиз ҳисобланади. Термиз илк бор VI-V асрларда Укуз – Амударё бўйида ҳозирги Термиздан 7 км шимолий ғарбда шакллана бошлаган. Термиз қадимги давр ёзма манбааларида “Тармита” шаклида тилган олинган. “Тармита” сўзи қадимги Бақтирия тилида “Дарёнинг соҳилидаги манзил” деган маънони англатади. Бир гурух олимларнинг фикрича милоддан аввалги 329-328 йиллар оралиғида македониялик Александр Термиз шаҳрини

кенгайтирган ва шундан сўнг шаҳар унинг номи билан Оксдаги Александрия деб аталган. Мил. ав. III-II асрларда Термиз янада кенгайган ва бу шаҳар Юонон-Бақтрия давлатининг Амударёдан шимолий тарафдаги йирик иқтисодий ва сиёсий марказига айланди<sup>39</sup>.

Бу бўлимда Эски Термиз археологик ёдгорлигининг харитаси (2x2 м), Эски Термиз қалъаси сурати (150x0,50 см) ва Чингизтепа сурати (150x0,50 см). Экспозицияда жами ўн еттита экспонат ўрин олган бўлиб, улар Термиз шаҳрининг энг қадимги яъни шаҳарсозлик маданиятининг илк даврига дахлдордир. Жумладан, Зартипадан топилган эрамиздан аввалги VI-IV асрга тегишли икки балдоқли қозон 29x19 см ҳажмда. Сополдан ишланган бўлиб, реставраторлар томонидан қисмлари бирлаштирилган (..расм). Эски Термиздан топилган, сополдан ишланган саккизта турли ҳажмдаги ликопчалар мавжуд. Уларнинг биттаси кулранг ангобда бўялган. Юонон-Бақтрия подшолиги (Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги 250-125 йилларда мавжуд бўлган) хукм сурган даврда Термизда тавар-пул муносабатлари сезиларли даражада ривожланган. Экспозицияда тўрт дона Юонон-Бақтрия подшолиги тангалари ўрин олган.

Музей мутаҳасисларинг берган маълумотларига кўра давлатчилик маданиятининг бош белгиларидан бири бу ёзув маданиятининг шаклланганлигидир. Музейнинг яна бир нодир экспонати эрамиздан аввалги VI-IV асрга оид Термиз яқинидаги Foz археологик ёдгорлигидан топилган кели (буғдой янчишга мўлжалланган бўюм) бўлиб, унинг сиритига юонон-бактрия ёзувининг айrim қисмлари сақланиб қолган (расм).

II бўлим: Термизнинг Кушон даври маданияти.

Милоддан аввалги I –милодий III асрларда ҳукмронлик қилган Кушон империяси даврида Тармита – Термиз умумий майдони 350 гектардан иборат бўлиб, Шимолий Бақтрияning йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига айланган. Бу даврда шаҳарнинг турли қисмларида хусусан

---

<sup>39</sup>Термиз ва Ат-Термизийлар тематик – экспозицион режасидан.

Қалъада, Дунётепа ва унинг атрофида, Чингизтепада йирик иншоотлар бунёд этилади. Шаҳарнинг ташқи тарафида эса, шимолий-ғарбий, шимолий-шарқий ва шарқий тарафларида Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмола худудларида буддавийлик ибодатхоналари, алоҳида бинолар ва экин майдонлари пайдо бўлади. Шаҳарда хунармандчилик, меъморчилик, танга пулларга асосланган ташқи ва ички савдо равнақ топади. Милодий I асрдан бошлаб Термиз буддавийлик динининг йирик марказларидан бирига айланиб, бу шаҳардан Ҷармамитра каби буддавийлик даъватчилари етишиб чиқади<sup>40</sup>.

Бу бўлимда 43 та ашё экспозицияга кўйилган. Эски Термизнинг космосдан олинган сурати ( $2\times 2$  м), Фаёзтепа ( $1,80\times 0,50$  м), Зўрмола ( $1,80\times 0,50$  м), Чингизтепа ( $1,80\times 0,50$  м), Қоратепа ( $1,80\times 0,50$  м) сингари археологик ёдгорликларнинг умумий кўринишдаги суратлари ўрин олган. Бўлимда ўнга яқин будда сиймоси акс этган статуеткаларнинг қисмлари экспозицияга кўйилган. Улар Фаёзтепа, Эски Термиз, Қоратепа сингари археологик ёдгорликларда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида топилган. Улар кушонлар империяси даврида буддавийлик динининг нечоғлик ривожланганлигини кўрсатади. Эксозицияда сополдан ишланган будда ҳайкалининг қўли мавжуд. Ашё Фаёзтепадан топилган. Милодий II-III асрларга оидdir. Музей мутахасисларнинг берган маълумотларига кўра бу нирвана (ўтирган ҳолдаги) будда ҳайкалининг қўли.

Қадим даврлардан буён халқимиз мусиқа ва санъатни жуда севган. Бу ҳақида ёзма манбаалар ҳам, археологик топиламалар ҳам бизга гувоҳлик бериб келмоқда. Жумладан 1933 йил М.Массон бошлчилигидаги тадқиқотчилар гурухи Термиздан 18 км шарқда Амударё бўйидаги Айритомдан Фриз бўлакларини топишган. Унда мусиқа чалаётган аёллар акс этган. Музейда мусиқа билан боғлиқ терракоталар намойишга қўйилган. Булар мусиқа асбобини ушлаган раққоса ( $5,5\times 6,5$  см), доира ушлаган аёл ҳайкали ( $6\times 6$  см), уд чалаётган аёл ( $9\times 3$  см). Ушбу ашёлар милодий I-IV асрларга даҳлдор бўлиб, Зартепадан топилган. Бўлимдаги яна бир аҳамиятга

<sup>40</sup>Термиз ва Ат-Термизийлар мероси музейининг тематик – экспозицион режасидан.

сазовор ашё устуннинг капител қисми бўлиб, Эски Термиздан топилган, милодий I-II асрларга тегишилдири. Унда лавр япроқлари, инсон гавдасининг бўртма шакллари акс этган. Бунда эллинистик маданият изларини яққол сезиш мумкин.

Экспозицияда Эски Термиздан топилган милодий I-II асрларга тегишли тўрт дона кушон тангалари ҳам мавжуд.

III бўлим: Термизнинг илк ўрта асрлар даври маданияти.

Термиз V-VII асрларда Эфталитлар ва Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Термиз ва унинг атрофлари Термизшоҳлар мулки ҳисобланган. Шаҳарнинг бу даврдаги тузилиши ва иншоотлари ҳақида 630 йилда Термизда бўлган хитойлик сайёҳ – коҳин Сюань Цзань муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. Сюань Цзань таъкидлашича «Тами (Термиз) мулклиги пойтахти деворининг узунлиги 20 ли (1 ли 0,2-0,5 км. teng) бўлиб, унда 12 та буддавийлик ибодатхонаси ва мингга яқин коҳин бўлган». Бу маълумотларга кўра, Термизда V-VII асрларда ҳам буддавийлик катта мавқеига эга бўлган. Бу даврнинг яна бир муҳим иншооти Кўргон ёки Кўшк ҳисобланади<sup>41</sup>.

Бўлимда турли ҳажм ва шаклдаги кўзалар, йирик ҳажмдаги хумлар ўрин олган. Музей ходимларининг берган маълумотларига кўра, бундай турдаги буюмлардан заҳийра буғдойларни сақлашда кенг фойдаланилган. Хумлар ерга кумилган ҳолда бўлиб, ичига донли экинлар тўлдирилиб оғзи беркитилган. Бунда буғдой қуруқ сақланган, турли кемирувчилар ҳавф солишини ҳам олди олинган. Экспозицияда икта тегирмон тоши ҳам бўлиб, 50x5см ва 30x4см ҳажмдадир. Улар Эски Термиздан топилган, милодий VI-VII асрларга тегишли.

IV бўлим: Термизнинг ривожланган ўрта асрлар даври маданияти.

VII асрнинг охиридан бошлаб Термиз араб қўшинлари томонидан эгалланади ва 704 йилда Араб халифалиги таркибига киритилади. IX аср охиридан 1220 йилга қадар Термиз Туркистонда ҳукмронлик қилган маҳаллий сулолалар (Сомонийлар, Қораҳонийлар, Салжуқийлар,

<sup>41</sup> Термиз ва Ат-Термизийлар тематик – экспозицион режасидан.

Хоразмшоҳлар) қўл остида бўлган. IX асрдан Термиз уч қисмли шаҳар сифатида тўлиқ шаклланган. IX асрда эса Термиз 500 гектарли шаҳар тусини олган. Бу даврда шаҳарда ҳунармандчиликнинг барча турлари (кулолчилик, мисгарлик, шишасозлик, темир буюмлар ясаш, ганчкорлик, сукка ишлов бериш, тоштарошлиқ) юксак даражада равнақ топади. Шаҳарда кўплаб меъморий иншоотлар барпо этилган. Чор-устун минораси, Термизшоҳлар саройи, ал-Ҳаким ат-Термизий ва Зул-Кифл мақбаралари шулар жумласидандир. IX асрдан бошлаб шаҳарнинг айниқса ташқи савдода, хусусан Жайхун орқали юқ ташишда нуфузи ортган. Термиз аҳолиси қайик ясашдан, совун ишлаб чиқаришдан жуда катта фойда олганлар. Айниқса, Хоразмшоҳлар даврида Термизда динорнинг зарб қилиниши Бу шаҳарнинг савдода алоҳида ўрин тутганлигидан далолат беради. Муқобил сиёсий вазият, шаҳарсозлик ривожи, Туркистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шош каби марказлари билан яқин алоқалар ўз навбатида бу юртда Ислом дунёсида маълум ва машҳур бўлган ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом ат-Термизий каби буюк инсонлар фаолиятининг шаклланишига олиб келди<sup>42</sup>.

Ушбу бўлимда элликка яқин экспонат ўрин олган бўлиб, Термизшоҳлар саройи ( $1,50 \times 0,50$  м), Эски Термиз мудофаа истеҳкоми ( $1,50 \times 0,50$  м) Чор-Сутун минораси ( $1,50 \times 0,50$  м) фото суратлари экспозицияни янада бойитган. Витриналарда Эски Термиздан топилган сирланган сопол коса ва лаганларни қисмларини қўрамиз. Булар ўрта асрларда Термизда ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради. Экспозицияда замини оқ гардишига куфий хат битилган шокоса мавжуд.

Термизлик кулоллар X-XI асрларда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб мукаммал сиркори керамика ишлаб-чиқара бошлаганлар. Бу даврдаги Термиз керамикасининг сифати юқори, тури хилма-хил ва безаги серҳашам бўлган. Очик идишлар: турли шокоса ва лаганлар рангдор безатилган. Кулол мусаввирлар идиш шаклини ҳисобга олган ҳолда чиройли нақш тушуришган.

<sup>42</sup> Термиз ва Ат-Термизийлар тематик – экспозицион режасидан.

Уюрма тутбарггул, тўқима нақш, ҳайвонлар тасвири ҳамда қия дастхат, қатъий ва бежама куфийда ёзилган битиклар кенг тарқалган нашқлардан эди. Термизда тайёрланган сиркори сополни Ўрта Осиёдаги бошқа кулолчилик марказлари маҳсулоти билан таққосланса, улар Самарқанд, Марв, Шошнинг машхур сопол идишларидан қолишмаслиги маълум бўлади<sup>43</sup>.

Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг саноқлигина шаҳарларида шишасозлик ҳунармандчилик-устахоналари бўлган холос. Ҳунармандчилик турларининг сонига кўра шаҳарларнинг мавқеи белгиланган. Музей экспозициясида шишадан ясалган буюмлар сақланмоқда. Улар Эски Термизда олиб борилган қазишиш ишлари пайтида аниқланган бўлиб, IX-XI асрларга оидdir.

Шишасозлик ҳунармандчиликнинг анча ёш, лекин соф шаҳарга хос тармоғи эди. Тоҳористон худудида илк ўрта асрларда пайдо бўлган бу ҳунар қисқа вақт ичидан шаҳар ҳунармандчилигининг бошқа тармоқлари орасида етакчи ўринни эгаллади. Термиз шишасозлик ишлаб чиқариши XI-XIII асрларда ёқ кулолчиликдан кейинги ўринга чиқиб олди. Бу пайтда буюм турлари кескин кўпайди, ишлаб-чиқариш технологиялари анча мукаммаллашди. Шиша буюмлар, идиш-товоқ, атр шишалар кимёвий идишлар, зеб-зийнат буюмлари ва дреза ойналари анъанавий эркин пуфлама, қолипга солиб пуфлаш йўли билан ясалган. Буюм тайёрлашда кўпроқ оч яшил, феруза, оч зангори, тўқ бинафша ранглардан фойдаланилган<sup>44</sup>.

Бу бўлимда шунингдек Қораҳонийларга тегишли, XI асрнинг иккинчи ярмида зарб қилинган мис тангалар намойишга қўйилган.

V бўлим: Термизнинг Амир Темур ва темурийлар даври маданияти.

Термиз Амир Темур томонидан Туркистонда мустақил давлат ташкил этилишида алоҳида ўрин тутган. Термиз XIV-XV асрларда Эски Термиздан бир томони Салавотга туташ кенг майдонни ишғол этган бўлиб, шаҳарнинг таърифи Амир Темур саройига Испания қироли Генрих III томонидан

<sup>43</sup>Термиз Албом —Т.: Шарқ. 2001.— Б 23

<sup>44</sup>Термиз Албом —Т.: Шарқ .2001.— Б 24

ташриф буюрган элчи Руи Гонсалес де Клавихо таърифида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Клавихо бошлиқ элчилар гуруҳи салқин ва хилма-хил моллар сотиладиган дўйконларга бой кўчалардан юриб борганлиги бу шаҳарда XIV-XV асрларда улкан қурилишлар ва ободончилик ишлари амалга оширилганлигидан далолат беради. Султон Саодат мақбаралар мажмуидаги қурилишлар, Қирқиз саройининг бунёд этилиши, Эски Термиз қалъсининг қайта тикланиши ва ҳ.к. бу даврда юз берган улкан ишлардан дарак беради.

Экспозициядаги диққатга сазовор экспонантлардан симоб солинадиган кўзача икки дона. Эски Термиздан топилган. XV-XVI асрларга оид. Симобдан ўтмишда заргарлар, кимёгар олимлар фойдаланишган. Бу ашёлар шаҳарда маданиятидан, ривожланиш даражасидан далолат беради. Витриналардан бирида сополдан ишланган, мовий, феруза рангларида саккиз дона чироқлар намойишга қўйилган. Улар шакл ва ҳажм жиҳатдан деярли бир хил. Эски Термиздан топилган, XV асрга оид. Ушбу ашёлар ўтмишда ғоятда қадрланган. Термизий боболаримиз тунлари ушбу чироқлар воситасида китоблар мutoала қилиб, қимматли асарлар битганлар. Экспозицияда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек тангалари ўрин олган. Улар Эски Термиздан топилган.

VI бўлим: Термиз хонликлар даврида.

Термиз XIV-XV асрларда Шайбонийлар, Жоний (Аштарохний)лар ва Бухоро амирлиги ҳукмронлиги остида бўлган. Термизнинг хонликлар даври таърифи XVII асрнинг таниқли тарихчи ва географ Маҳмуд ибн Валининг «Сирлар денгизи» асарида ўз ифодасини жуда яхши топган. Термизнинг муҳим қисмларидан бири Салавот бўлиб, унда муҳташам мадрасалар, жомеъ масжиди, бозорлар ва баланд миноралар борлиги таъкидланган. Ўз навбатида Эски Термиз қалъа қисми ҳам XVIII аср бошига қадар кечув ва қалъа сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган<sup>45</sup>.

Ушбу даврга оид экспонатларнинг салмоқли қисмини мисгарлик буюмлари ташкил этади. Термизда XVII-XVIII асрлара бу хунар тури

<sup>45</sup>Термиз ва Ат-Термизийлар музейининг тематик – экспозицион режасидан.

ривожланиб, амалий санъат даражасига кўтарилиган. Қумғон, атрофи тўллқинсимон тарзида ишланган кичик ҳажмдаги патнос, якка тутқучли хумча, йирик ҳажмдаги патнос. Бу буюмларнинг барчаси XIX-XX асрларга тегишилидир. Ушбу экспонатлар орасида катта патнос аллоҳида аҳамиятга молик. Ашёнинг юзасида нақш ва шакллар ишламаган бўш жой мавжуд эмас Ўсимликсимон гажак нақшлар, занжирсимон шакллар ишланган. Марказда эса шаҳар дарвозаси ва миноаралари, мудофаа деворлари тасвири ишланган VII бўлим: Термизлик буюк алломалар мероси бўлими.

Сурхон воҳаси Ватанимиз худудида илк шаҳар маданияти шаклланган ва унинг заминида илк давлатчилик пайдо бўлган юртлардан бири.

Ўзбекистон археологларининг Сополли ёдгорлигида, Жарқўтон каби илк шаҳарда амалга оширган тадқиқотлари туфайли Ватанимизни қадимги Шарқнинг улкан цивилизациялари сингари илк ёзув шаклланган минтақалардан бири сифатида қарашга имкон берди. Сополли ва айниқса Жарқўтондан топилган сопол идишларга битилган пиктографик белги-ёзувлар шулар жумласидандир. Мил.авв. VI-IV асрларга оид пиктографик ёзуви бу жараённи янада тараққий топганлигидан далолат беради. Термиз ва унинг атрофида ёзувнинг тараққиёти, айниқса Кушон подшолиги даврида яққол намоён бўлади. Бақтрия, қадимги ҳинд (кхароштхи, браhma) ва ҳоказо ёзувнинг кенг қўлланилиши бунинг исботидир. Айниқса, Кушон подшоси Канишканинг ёзув соҳасида амалга оширган ислоҳотлари бу жараённи янада тараққий эттирган. Тармита – Термизнинг буддавийлик ибодатхоналари (Қоратепа, Фаёзтепа ва х.к.) да диний ва дунёвий матнлар бақтрия тилига ўгирилган. Бу юртдан буддавийлик динини Тибет ва Хитойга қадар тарқалишида жонбозлик кўрсатган. Дхармамитра, Дхармаракша каби буддавий даъватчилар етишиб чиққан. Термиз Турон заминда илк Ислом маданияти шаклланган шаҳарлардан биридир. IX-X асрдаёқ бу шаҳардан ал-Ҳаким ат-Термизий каби буюк донишманд, Ислом дунёсида тан олинган олти буюк муҳаддислардан бири-Имом ат-Термизийларнинг етишиб чиқиши

бунинг исботидир. Асрлар давомида Термизда илм-фан ўз йўналиши бўйича тараққий этиб борди<sup>46</sup>.

Сурхон воҳасида амалга оширилаётган археологик тадқиқотлар, халқ амалий санъати, этнографияси, термизий алломалар ҳаётига бағишлиланган. Сурхон воҳасида амалга оширилаётган археологик тадқиқотлар туфайли бу заминда барпо этилган обидаларни ўрганиш давомида минг-минглаб юксак даражада яратилган санъат ва ҳунармандчилик намуналари тўпланган. Бу ашёвий манбалар ўтмиш тарихимизни ўрганиш, айниқса ўзбек давлатчилиги тарихини билишга яқиндан ёрдам беради. Термиз ва термизийлар мероси тарихи музейи айни шу мақсадларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида асосий маданий-маърифий муассаса бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Термиз ва термизийлар мероси тарихи музейи замонавий туризм сайёҳлик тизимини яратиш борасида жуда муҳим ҳисобланади.

---

<sup>46</sup>Термиз ва Ат-Термизийлар музейининг тематик – экспозицион режасидан.

## **2.2. Термиз ва Ат-Термизийлар музейи экспозициясини тақомиллаштириш масалалари**

Мамлакатимизнинг туризм соҳасини иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, вилоятларнинг туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг PF-5611-son “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Консепцияси биринчи иловага мувофиқ ишлаб чиқилди<sup>47</sup>.

Сурхондарё вилояти ўзининг бетакрор табиати, халқнинг этнографик маданияти, археологик обектлари ва зиёратгоҳларга бойлиги билан ажralиб туради. Шуни инобатга олган ҳолда хукуматимиз томонидан жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 5-10 апрель кунларида Термиз шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Биринчи Халқаро баҳшичилик санъат фестивали ўтказилди. Фестивалда ЮНЕСКО, АЙСЕСКО сингари халқаро ташкилотлар вакиллари 76 та давлатдан юздан ортиқ ижрочилар, мутахассис олимлар, хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Фестивал доирасида меҳмонлар вилоятдаги тарихий-маданий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар ва музейларда бўлишиб халқимизнинг ўтмиши маданияти билан танишишди. Ушбу фестивал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро баҳшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилди. Қарор кўрсатилганидек Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро баҳшичилик санъати фестивали ўтказиш белгиланди. Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд”

---

<sup>47</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019-у., 06/18/5611/2430-son

уюшмаси билан биргаликда Фестивал доирасида Термиз шаҳрида “Сурхондарё санъат саройи” давлат муассасаси майдони худудида баҳшичилик санъатига оид турли кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлиқ намуналари, бадиий ва хужжатли филмлар, аудио ва видео дикслари, китоблар, албомлар, фотосуратлар намойиши уларнинг сотуви ташкил этилиши<sup>48</sup>. Фестивалнинг юқори савияда ташкил этилганлиги ҳалқаро ташкилотдар ва хорижиф тур фирмалари, сайёҳларнинг эътиборини яна бир бор Сурхон воҳасига қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068 сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мувофиқ 2019-2021 йилларда моддий маданий мерос обнетларини муҳофаза қилиш, асраб, илмий тадқиқ этииш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ соҳада бажарилиши лозим бўлган бир қатор амалий ишлар белгиланди. Жумдалан, қарорга мувофиқ Сурхондарё давлат тарихи ва маданияти музейи негизида “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси ташкил этилди<sup>49</sup>.

Музейларда фақатгина экспозицияга қўйилган музей предметларини намойиш қилиш маълум чекловларни келтириб чиқариб, тор доирадаги томошабинларни жалб қиласар эди, холос. 1987 йилда музейшунос тадқиқотчилар кўчмас объектлар туркуми музейлаштирилганда уларни “ансамбль” деб номладилар. Лекин, бу атама маълум бир туркум обеъктларга ишлатилиши мумкин эди. кейинчалик археология, ланшафт, табиат ва меъморий ёдгорликларни музейлаштиришда “худудий музей”, “анъанавий музей” атамалари вужудга келди. Уларни тўғри саралаш, тадқиқ

<sup>48</sup> [pv.uz/oz/newspapers/festival-bakshi-eposa](http://pv.uz/oz/newspapers/festival-bakshi-eposa)

<sup>49</sup> Конун ҳужжатлари миллий базаси, 20.12.2018 й 07/18/4068/2349-son

этиш, янги интеррпетациясини ривожлантириш, туристик ресурс сифатида фойдаланиш масалалари ўрганила бошланди.

“Музейлаштириш” тушунчасини биринчи бўлиб Ф.И.Шмид ўз асарларида кўллади, бироқ 1920 йилларгача бошқа терминлар масалан, “музей ҳолатига келтириш” тушунчаларидан кенг фойдаланилди. Музейлаштириш тушунчаси тарихий-маданий меросни таъмирлаш ва музей-куриқхоналарни ташкиллаштириш натижасида ривожланди<sup>50</sup>.

Дарҳақиқат Термизнинг тарихий қисмини очиқ осмон музейига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки биз юқоридаги боболарда Термиз тарихига атирофлича тўхтади. Термизнинг “Кўхна Термиз” дея аталажак қисмида Амударё бўйида Эски Термиз археологик ёдгорлиги, унда Термизшоҳлар саройи қолдиқлари сақланиб қолган, қолаверса бир км масофада буддавийликнинг қадимий марказлари бўлмиш Фаёзтепа ва Қоратепа ёдгорликларида будда ибодатихоналар аниқланган. Бу ерда Ҳаким ат-Термизий бобомизнинг муқаддас қадамжолари мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак зиёрат туризмини ривожлантириш учун ҳам катта асос борлиги аён бўлади. Жорий йилнинг 21-23 феврал кунлари Бухоро шахрида Биринчи халқаро зиёрат тўризми форуми бўлиб ўтди. Унда Таълим фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти (ИСЕСКО), Халқаро туризм ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар, мутахассислар иштирок этди. Форум доирасида “Бухоро Деклорацияси” имзоланди.

Термиз ва Ат-Термизийлар тарихи музейи ҳам Термиз музей-қўриқхонаси ҳудудида жойлаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда музей фолиятини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Музей экспозициясини қайта кўриб чиқиш, фаолияти ни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Музей фаолиятини ўрганиш жараёнида бир қатор камчиликлар кўзга ташланади.

\*Музейда чипта сотиш йўлга қўйилмаган. Музейнинг кириш қисмида зиёрагоҳлар сингари эҳсон қутиси қўйилган. Ташифчилар ўзларининг

---

<sup>50</sup>Исмоилова Ж.Х.Мухаммедова М.С. Замонавий жаҳон музейшунослиги.—Т. Чинор.2013— Б129

имкониятларидан келиб чиқган ҳолда маблағ ташлаб кетишади. Музейга чипта тизимини жорий этиш лозим. Бунда маҳаллий сайёхларга аллоҳида, хорижий сайёхларга аллоҳида чипта нархларини белгилаш, болалар ва имконияти чекланган фуқароларда имтиёзлар бўлиши лозим.

\*Музейда гит хизмати йўлга қўйилмаган. Таширифчиларда экскурсавод хизматидан фойдаланишга эҳтиёжи туғулса ёки бирор бўлим, экспонат ҳақида савол туғулиб қолса кимга мурожаат қилишларини биламайдилар. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек Сурхондарё воҳасида туризмни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор самаралий ишлар амалга оширилмоқда, яқин беш йил ичида воҳада сайёҳлар оқими кенгайиши кутулмоқда. Шунингдек Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳига мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келувчи зиёратчилар оқимини ҳисобга олган ҳолда. Гит хизматини йўлга қўйиш лозим.

Гид экскурсаводлар ҳақида тўхталар эканмиз бунга жиддий ёндошиш кераклигини таъкидлаб ўтамиз. Ташириф буорувчиларнинг ёши, касби, миллати, билим савияси, қизиқишидан келиб чиқган ҳолда эккурсия ташкил этиш шарт. Экскурсаводлар музейшунослик ёки тарих йўналишини тугатган олий маълумотли мутахасислар бўлиши керак. Экскурсаводлар она тилимиздан ташқари яна рус ва инглиз тилларинида мукаммал сўзлай билиш лозим. Кадрлар малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Конунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-хукукий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Музей мутаҳассисларини тайёрлаш, музей ходимларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Низомга мувофиқ Қайта тайёрлашнинг асосий турлари:

- ходимларни қайта тайёрлаш;
- касбий қайта тайёрлаш.

Ходимларни қайта тайёрлаш – мутаҳассиснинг тегишли базавий касбий маълумотини таълим турининг Давлат таълим стандартти (қўйилган Давлат талаблари) билан белгиланадиган, музейда талаб этиладиган иш сифатини

таъминлайдиган даражада фаолият юритиши зарур ва етарли бўлган тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида ходимларни қайта тайёрлашдир.

Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) –мутахассисликнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билим, малака ва қўнималарини ўзлаштиришдир.

Ходимларни касбий қайта тайёрлаш, қоидага кўра, буюртмачилар ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим мутахассисларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан музей маъмуриятининг ташаббусига кўра ташкил этилади<sup>51</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики Ҳаким Термизий зиёргоҳига қўшни Тожикистон ва Афғонистон давлатлар ва мусулмон мамлакатларида ҳам зиёратчилар келишини хисобга олган ҳолда форс-тожик тилларини биладиган экскурсаводларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда.

\*Музейда замонаий аҳборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

\*Музей экспозициясидаги бир хилликка барҳам бериш зарур. Мавжуд экспозиция тўққиз йилдан буён бирор марта ўзгартирилмаган. Янги экспонатлар қўйилмаган. Бу музейга доимий ташриф буюрувчиларни зерикишига сабаб бўлади. Сурхондарё тарихи ва маданияти музейи фондидағи экспонатлар асосида вақтинча давом этадиган мавзули экспозициялар ташкил этиш керак. Масалан фонддаги заргарлик буюмлари ёки ваҳадаги археологик ёдгорликлардан топилган қадимиј ва ўрта асарлар тангалари асосида нумизматик кўргазмалар ташкил этиш мумкин. Бу музейга ташрифчилар сонининг ортишига сабаб бўлади.

---

<sup>51</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2010 й, 14-15-сон

\*Музей реклами ҳам талаб даражасида эмас. Термиз ва Ат-Термизийлар музейи ҳақида интернет сайтларида маълумот жойлаштирилмаган. Буклетлар, тарқатма материаллар тайёрланмаган. Биз ташрифчилар учун Термиз ва Ат-Термизийлар музейи ҳақида буклет (флаер) ва Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи ҳақида қўлланма тайёрланди. Интернет сайтларида музей фаолияти ҳақида маълумотлар жойлаштириш ҳақида тегишли тавсиялар берилди.

## **ХУЛОСА**

Мазкур битириув малакавий ишида асосий эътибор Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида жойлашган Термиз ва Ат-Термизийлар музейи фаолияти ўрганишга қаратилди. Биринчи бобнинг дастлабки бўлимида Термиз шаҳринг тарихига доир маълумотларни манбаалар асосида ўртанилди. Иккинчи бўлимида эса Сурхон заминидан етишиб чиқсан, Шарқда машҳур бўлган буюк зотлар Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Бурхонуддин Муҳаққақ Термизий, Султон Саодат – Ҳасан ал-Амир Термизий каби аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир асарлар ўрганилди. Иккинчи бобнинг биринчи бўлимида Термиз шаҳри тарихи ва Термизий боболар меросига бағишлиланган музей фаолияти ўрганилди, экспозицияси тахлил этилди. Иккинчи бўлимида эса музейи фаолиятини такомиллаштиришга доир таклиф ва мулоҳазалар қайд этилди. Шунингдек, Термиз ва бутун Сурхон воҳасида туризмни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган эътибор ҳақда фикр юритилди.

Мазкур ўрганилаётган тадқиқот обьекти Термиз ва ат-Термизийлар музей ҳақда якуний хulosамiz қуйидагидан иборат:

1. Юқорида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068 сон “Моддий маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>52</sup> ги қарори мувофиқ “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси ташкил этилди. Шу сабабдан Сурхондарё вилоятида яқин йилларда сайёҳлар оқими ортиши кутилмоқда. Термиз ва ат-Термизийлар музейини хизмат қўрсатиш ҳолатини талаб даражасига чиқариш. Вилоятдаги диққатга сазовор обьектлар қаторида Термиз ва ат-Термизийлар мероси музейни ҳам халқаро сайёҳлик харитасига киритиш керак.

2. 2017 й 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-

---

<sup>52</sup> [lex.uz/docs/-4113465](http://lex.uz/docs/-4113465)

тадбирлари тўғрисида”<sup>53</sup> ги қарори қабул қилинди. Қарорда Имом Термизий ва Термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳалқаро конференция, кўргазма, илмий маъruzалар, семинар-тренинглар, танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва кўлёзма фондларида сақланаётган Термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг кўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш лозимлиги аллоҳида таъкидланди. Қарордан келиб чиқсан ҳолда музей қошида кутубхона ташкил этиш, унда Термизий алломаларимизнинг асарлари қўлёзмаларинининг нусхаларини жамлаш, Термиз Давлат университетининг манбашунос олимлари билан ҳамкорликда асарларни таржима қилиш лозим.

3. Замонавий ахборот-технологиялар қўллаш бугунги куннинг талабидир. Шу сабабдан юқори малакага эга кадрларни жалб қилиб, музейнинг электрон каталогини ва мултимедия дастурларни яратиш мақсадга мувофиқ.

4. Музей фаолиятини такомиллаштириш учун республикамиз ва хориждаги музейлар ҳамда илмий муассасалар, кутубхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши лозим. Ушбу ҳамкорлик музейда кўчма кўргазмалар ташкил этиш имконини беради.

5. Президентимиз томонидан 2018 йил 1 ноябрда қабул қилган “Ҳалқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”<sup>54</sup> ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг апрель кунлари Термиз шахрида юқори савияда ўтказилди. Ундан дунёning элликдан ортиқ мамлакатидан бахши-оқинлар иштирок этди. Бизга маълумки, Сурхон элида ҳалқ оғзаки ижодининг ноёб намуналари сақланиб қолган. Бойсун, Сариосиё, Узун,

<sup>53</sup> [gazeta.uz/oz/2017/02/15/termiziy/](http://gazeta.uz/oz/2017/02/15/termiziy/)

<sup>54</sup> [pv.uz/oz/newspapers/festival-bakshi-eposa](http://pv.uz/oz/newspapers/festival-bakshi-eposa)

Денов, Шеробот, Кумкўрғон сингари туманларда бахшилар сулолалари истиқомат қилади. Музейда Сурхон воҳаси халқ оғзаки ижоди жумладан, бахшичилик санъатига оид экспозисияни яратиш лозим. Президентимиз қарорига биноан Халқаро бахшичилик фестивали ҳар икки йилда ўтказилишини инобатга оладиган бўлсак, бу долзарб масаладир.

Буюк аждодларимиздан қолган моддий ва маънавий мерос тадқиқ этиш энг шарафли ва масъулиятли вазифадир. Биз ушбу битирув малакавий ишимизда Марказий Осиёнинг кўхна шаҳарларидан бири бўлмиш Термиз шаҳри ва ундан камол топиб башарият илм фанига муносиб улуш қўшган боболаримиз ҳақда олий таълим муассасасида тўрт йил давомида устозларимизда ўзлаштирган билимларимиз асосида баён қилдик. Худо хоҳласа келгусида изланишларимизни яна давом эттириб, тадқиқ этилган музейда иш бошлаб, музей фаолиятини ривожлантиришни ва Термиз тарихига доир манбааларни кенг ўрганишни мақсад қилдик.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1.“Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил № 37-38.

### **II Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармон//Ишонч, № 15.– 08.02.2017.– Б 1-2.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 й. ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори//[uza.uz](http://uza.uz)

3.Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш тўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида [gov.uz/uz/pages/show/66876?mode=special](http://gov.uz/uz/pages/show/66876?mode=special)

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро баҳшичилик фестевалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори. [pv.uz/oz/newspapers/festival-bakshi-eposa](http://pv.uz/oz/newspapers/festival-bakshi-eposa)

5.Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 20.12.2018 й 07/18/4068/2349-son

### **III Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

1. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz—Т.: O`zbekiston 2017–439 б.

2. Мирзиёев.Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир— Т.: Ўзбекистон 2018–507 б.

### **VI Асосий адабиётлар.**

1.Ўзбекистон миллий энциклопедияси.8 жилд – Т.: 2004 – 677 б

2. Альбаум Л.И. Раскопки буддиски комплекса Фаяз-тепа// Древний Бактрия Л., 1974 – С 53

- 3.Исмоилова Ж.Х., Нишанова К.С. Мұхаммедова М.С. Музей ва жамият—  
Т.:Чинор ЭНК, 2015 – 176 б
4. Нишонова К.Музей –халқ тарихи қўзгуси. Т.:Ёшлилар матбуоти, 2011. –391 б
- 5.Курязова Д.Ўзбекистонда музей иши тарихи –Т.: Санъат н.2010–143 б.
7. Kuryazova D. Muzey ishi tarixi va nazariyasi –T.: O'qituvchi n 2007. –159 b.
- 8.Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. 2500 йиллик  
юбилей албом-китоб –Т.: Шарқ 2001.-101 б.
- 9.Фаридуддин Аттор. Таскират ул-авллиё –Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти 2013-484 б.
- 10.Мирзо К.Буюк Термизийлар –Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси.2017.-  
528 б.
- 11.Илалов И.Музееведение –Т.: Мусиқа, 2006-475 с
- 12.Шифр: Дис-478/2009 Автор: К.Б.Қодиров Имом Абу Исо Мұхаммад ат-  
Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари// Пед фан.  
Номзоди 28.5.2009 -142 б.
- 13 Уватов У. Икки буюк донишманд –Т.:F.Ғулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти 2017.–124 б.

#### **V Даврий нашрлар.**

- 1.Пидаев Ш.Термиз.Мозийдан садо// 2013–№ 2(58) – 12-13 б.
- 2.Зияев.А. XIX аср охири XX аср бошларида Термиз//Мозийдан садо.//2013.–  
№3(59).– 21-22 б.
- 3.Ботиров И. Мозийдан садо//.2013 – №2(58).–Б24
- 4.Чориев З.У., ва б., Ҳаким ат-Термизий таваллуди ва ҳаёти саналарига  
доир//Жайхун.2006 –№3-4 –31-32 б.

#### **Интернет сайтлари**

<http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари миллий  
базаси).

<http://wwwgov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали)

<http://www.ziyonet.uz> (Информацион портали)

## ИЛОВАЛАР


Ал-Ҳаким ат-Термизий комплексининг кириш дарвозаси.



Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуасига  
ташрифлари.



Ал-Хаким ат-Термизий мажмуасидан лавҳалар.




## Термиз ва термизийлар мероси музейи экспозициясидан лавҳалар.



Sopol chitropon. XV asr. Eski Termiz.  
Керамический светильник X вв. н.э. Старый  
Термиз  
A ceramic lamp XV c. A.D. Old Termez



Чархон ташиниши (хамончак)  
XV-XVI кундук  
Хамончак 1-2 км. н.з.



Хамончак  
Хамончак 1-2 км.

